

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„25“ ИЮНЬ 2018 й. г. № 474

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги  
Бадий эксперталар кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимиз музейлари фондларини мустақиллик йилларида яратилган юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарлари билан мунтазам бойитиб бориш ва асарлар баҳосини уларнинг ижодий ва моддий қийматидан келиб чиқсан ҳолда белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузурида Бадий эксперталар кенгаши ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Бадий эксперталар кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Бадий эксперталар кенгаши тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.С. Сайфуллаев зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “25” июндаги 474 - сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги  
Бадий эксперталар кенгаши  
ТАРКИБИ**

- |                     |  |
|---------------------|--|
| 1. К. Акилова       | - маданият вазирининг ўринбосари, <i>Бадий эксперталар кенгашининг раиси</i>   |
| 2. Ф. Ташмухаммедов | - Ўзбекистон Бадий академияси раисининг ўринбосари,<br><i>Бадий эксперталар кенгаши раисининг ўринбосари</i>                             |
| 3. Ф. Рузикулов     | - Маданият вазирлигининг Бадий экспертиза бошқармаси бошлиғи   |
| 4. В. Файзиева      | - Ўзбекистон давлат санъат музейининг директори  |
| 5. С. Рахметов      | - Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, рангтасвирчи рассом                                       |
| 6. А. Хакимов       | - Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор   |
| 7. А. Мамажонов     | - Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, график рассом                   |
| 8. А. Рахимов       | - Ўзбекистон Республикаси халқ устаси, Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, кулол  |
| 9. М. Бородина      | - Тошкент архитектура ва курилиш институтининг кафедра профессори, хайкалтарош   |
| 10. Н. Ахмедова     | - Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, санъатшунос   |
| 11. З. Рахимова     | - Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг профессори   |
| 12. Э. Жалилов      | - Маданият вазирлигининг Музейлар ва кутубхоналарни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи, <i>Бадий эксперталар кенгашининг масъул котиби</i> |

**Изоҳ.**

*Бадий эксперталар кенгашининг раиси, Бадий эксперталар кенгаши раисининг ўринбосари бошқа ишга ўтган тақдирда, Кенгаши таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар киритилади.*

*Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Бадий эксперталар кенгашига қўшимча мутахассислар жалб этилиши мумкин.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “25” июндаги 474 -сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги  
Бадий эксперталар кенгаши тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Бадий эксперталар кенгашининг (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) асосий вазифалари, ҳукуклари ва мажбуриятларини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Кенгаш идоравий мансублигидан қатъи назар давлат музейларининг фондларини юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарлари билан мунтазам бойитиб бориши ишларини амалга оширувчи ва асарлар баҳосини уларнинг ижодий ва моддий кийматидан келиб чиқсан ҳолда белгиловчи коллегиал маслаҳат органи ҳисобланади.

3. Кенгаш аъзоларининг фаолияти жамоатчилик асосида ташкил этилади. Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тавсияси билан асосий иш жойидан белгиланган тартибда рафбатлантирилиши мумкин.

4. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Маданият вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун хужжатларига амал қиласди.

**2-боб. Кенгашнинг асосий вазифалари**

5. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан тақдим этилган юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарлари, шунингдек, бошқа маданий бойликларни экспертизадан ўтказиш ва уларнинг қийматини баҳолаш;

давлат буюртмалари бўйича бажариладиган бадий асарларнинг эскизларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, уларнинг бадий қиймати ва шартнома тузиш имкониятлари тўғрисида тавсиялар бериш;

юксак бадий қийматга эга бўлган рангтасвир, миниатюра, ҳайкалтарошлиқ, графика, декоратив-амалий санъат, инсталляция асарларини кўздан кечириш, гоявий-бадий қиймати, бажарилган ишларни қабул қилиш ва муаллифлик ҳақининг миқдори бўйича хulosалар бериш.

**3-боб. Кенгашнинг ҳукуклари**

6. Кенгаш қуйидаги ҳукукларга эга:

ўз ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича хulosалар, тавсиялар, таклифлар бериш ва қарорлар қабул қилиш;

давлат бошқаруви органларидан ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Кенгаш ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этишга доир маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш.

7. Ушбу Низомда ҳамда бошқа қонун хужжатларида Кенгашга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун жавоб беради.

#### **4-боб. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш**

8. Кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Ўзбекистон Бадиий академияси билан келишган ҳолда, қоида тариқасида, камида 7 нафар ва кўпи билан 17 нафар (Кенгаш раиси, ўринбосари, масъул котиби ва кенгаш аъзолари)дан иборат таркибда шакллантирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

9. Кенгаш таркибига етакчи санъатшунослар ва рассомлар, Ўзбекистон Бадиий академияси академиклари, декоратив-амалий санъат усталари, археолог, нумизмат, манбашунос олимлар, мутасадди раҳбарлар, музей муҳофизлари ва кўргазма бўлимларининг мутахассислари, шунингдек, маданият ва санъат соҳасидаги таълим ва фан муассасаларининг ходимлари киритилиши мумкин.

10. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Музейлар ва кутубхоналарни ривожлантириш бошқармаси Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.

11. Кенгашнинг ишчи органи:

Ўзбекистон Республикаси Миллий музей фондини тўлдириб бориш мақсадида тасвирий, анъанавий ва ноанъанавий декоратив-амалий санъат, театр-безак санъати, археологик, нумизматик, ёзма манбалар ҳамда бошқа тарихий ва замонавий маданий бойликларни харид қилиш бўйича эълонлар беради;

харид қилишга ва бошқа тегишли мақсадларда тақдим этилган маданий бойликлар рўйхатини шакллантиради, уларнинг фотосуратларини рўйхатга илова қиласи ҳамда асарларни экспертизадан ўtkазиш ва қийматини баҳолаш учун Кенгашга киритади;

Кенгашда иш юритилишини ташкил этади, хужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланишни белгиланган тартибда таъминлайди.

12. Кенгаш мажлисининг кун тартиби Кенгаш котиби томонидан тайёрланади.

Кенгаш мажлислари заруратга қараб, лекин ҳар чорақда камида бир маротаба ўtkазилади.

Кенгаш котиби экспертизадан ўtkaziladigан ва қиймати баҳоланадиган ашёларнинг зарур хужжатлари тўпламини тайёрлаб, кўриб чиқиш учун Кенгаш мажлисига киритади.

13. Кенгаш кўргазмалар ва рассомларнинг устахоналарида бадиий асарларни кўздан кечириши, музей ва кўргазма фондлари учун харидлар ҳақида тавсиялар бериши мумкин.

14. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги ПҚ-3201-сон қарори билан тасдиқланган Оммавий ижро этиш учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик адабий асарлар яратиш бўйича буюртмаларни бажарганлик учун, ҳайкалтарошлиқ асарлари, тасвирий санъат асарлари яратганлик, бадиий лойиҳалаштириш ва конструкциялаш учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкаларига мувофиқ, шунингдек, ушбу ҳақ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тўланганда унинг энг юқори ставкаларига мос равишда асарларнинг баҳосини белгилайди.

Кенгашга маълум бир асар ёки ашёга хулоса бериш эҳтиёжи тугилганда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан кўшимча соҳа мутахассислари жалб этилиши мумкин.

15. Кенгаш мажлиси Кенгаш раиси ва унинг ўринбосари раҳбарлигига ўтказилади ҳамда Кенгаш қарори аъзоларнинг камидаги 2/3 қисми иштирок этган тақдирда, очик овоз бериш йўли билан, мажлисда қатнашаётган мутахассисларнинг оддий кўпчилик овози билан қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

Кенгашнинг ҳар бир аъзоси умумий қарордан норози бўлган тақдирда, ўз фикрини билдириш хукуқига эга ва бу баённомада қайд этилади. Баённомада ҳар бир асар бўйича овоз бериш натижалари кўрсатилади. Кўшимча таклиф этилган маслаҳатчилар ва эксперталар овоз беришда иштирок этмайдилар.

Кенгаш аъзоси томонидан яратилган асар экспертизадан ўтказиш ва қийматини баҳолаш учун Кенгашга киритилган тақдирда ушбу Кенгаш аъзоси овоз беришда иштирок этмайди.

16. Кенгашнинг мажлислари баённомаларида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

а) Кенгаш мажлисида иштирок этган аъзолар ва таклиф этилганларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;

б) ҳомийлик хайриялари қўринишидаги ёки харид қилишга тақдим этилган маданий бойликларни музей фондига киритишнинг мақсадга мувофиқлиги;

в) харид қилишга тақдим этилган маданий бойликлар ҳакида қисқа маълумотлар (номланиши, муаллифи, яратилган жойи, қисқа визуал таърифи, материалнинг номи, техникаси, ўлчами, имзонинг мавжудлиги ҳамда сақланганлик ҳолати кўрсатилган ҳолда);

г) маданий бойликларни ҳомийлик хайрияси сифатида ёки харид қилиш учун тақдим этган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, почта манзили ва паспорт маълумотлари;

д) Кенгаш томонидан кўриб чиқиши учун вақтинчалик сақлашга олинган ашёларни қабул қилиш далолатномаси, ҳадя этиши ёки олди-сотди шартномасининг лойиҳасини илова қилган ҳолда (зарур ҳолатларда коллекция рўйхати билан).

17. Кенгаш баённомасининг қарор қисмидаги сотиб олинган асар ёки ашёнинг ўйналиши бўйича қайси давлат музейининг асосий ёки ёрдамчи фондига киритиш тўғрисидаги тавсия ёзилади.

Баённома Кенгаш раиси, котиби ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан имзоланади.

18. Кенгаш мажлисининг баённомаси Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг тегишли буйруғи билан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

19. Кенгашда иш юритиши, ҳужжатларнинг сақланиши ва улардан фойдаланилиши учун масъулият, шунингдек, қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш Кенгаш раисига юкланди.

20. Музей ашёлари ва коллекцияларини харид қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилганидан сўнг, Кенгаш мажлиси баённомаси ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги буйруғи нусхаси муаллиф ва мулкни тасарруф этувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамгармасига топширилади.

Шунингдек, Кенгаш мажлиси баённомаси ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги буйруғи нусхаси тегишли давлат музейларининг фондларига келиб тушаётган асарларни қабул қилиш далолатномасини расмийлаштириш учун топширилади.

21. Кенгаш муаллиф ва мулкни тасарруф этувчининг илтимосига кўра асарни унинг иштирокида кўриб чиқиши мумкин, асарнинг баҳоси тўғрисидаги қарор Кенгашнинг ёпик мажлисда қабул қилинади.

22. Кенгаш аъзолари узрсиз сабабларга кўра уч маротаба мажлисларда иштирок этмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги уларни Кенгаш таркибидан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига таклиф киритади.

#### **5-боб. Молиялаштириш ва ҳисоб-китоб тартиби**

23. Сотиб олиш учун Кенгаш томонидан баҳоланадиган ашёлар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Мустақиллик йилларида яратилган юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарлари, шунингдек, бошқа маданий бойликлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари сметасида ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида Кенгашнинг қарорига асосан сотиб олинади.

24. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси Кенгашнинг тасдиқланган мажлис баённомасини ва Маданият вазирлигининг тегишли буйруғи ҳамда қонун хужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда рассомларга муаллифлик гонорари тўлаш ва ашёларни тасарруф этувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича тузилган шартномаларга мувофиқ шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади.

Тегишли давлат музейининг бош муҳофизи имзоси ва муҳри билан тасдиқланган, асарларни музей ва кўргазма фондларига қабул қилиш далолатномаси тақдим этилгандан сўнг, рассомлар ва асарларни тасарруф этувчилар билан тўловнинг қолган 85 фоизи ҳисоб-китоб қилинади.

25. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Бадий академияси билан биргаликда давлат музейлари фондини шакллантириш ва тўлдириш учун тасвирий, декоратив-амалий, театр-безак санъати асарлари, тарихий ёдгорликлар, архивлар, ноёб китоблар ва бошқа маданий бойликлар, бадий асарлар, коллекциялар ёки алоҳида буюмларни харид қилиш учун буюртма бериш хукуқига эга.

#### **6-боб. Якунловчи қоидалар**

26. Кенгаш фаолиятини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан амалга оширилади. Кенгаш ишчи органи Кенгаш фаолияти юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига маълумот тақдим этади.

27. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбордor бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

